O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 1 март, № 40 (3585) Сешанба


## Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

*Зангиота туманидаги "Ускунакурувчи" очиқ акциядорлик жамияти асосан Тошкент вилоятидаги ширкат ва фермер хўжаликлари техникаси учун эҳтиёт қисмлар етказиб беришга ихтисослашган. Айни пайтда бу ерда борона, ер текислаш мосламалари — жами ўндан ортиқ ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.*

# Иш қуролинг соз бўлса...

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган маҳаллийлаштириш дастурига кўра, яқинда ғалла ўрадиган "Кейс" комбайнлари учун айрим эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Улар сифатли ва харидоргирлиги боис талаб ошиб боряпти.

Корхонада келгусида ўт ўрадиган агрегатлар, фермерларга мўлжалланган кичик тракторлар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилади. Шу кеча-кундузда жамоа бу борада изланишлар олиб бормоқда.

**Ҳ. КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: ишчи Турсунхўжа Улхўжаев; цех бошлиғи Камолиддин Нурматов ва уста Шухрат Муҳиддинов эҳтиёж қисмларни кўздан кечирмоқда.**

**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## 2005 йил 5 март шанба дам олиш кунини 2005 йил 7 март душанбага кўчириш тўғрисида

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 5 март шанба дам олиш куни 2005 йил 7 март душанбага кўчирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 28 февраль.

# АСОСИЙ ЭЪТИБОР КАМЧИЛИКЛАРГА ҚАРАТИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги тайинланган таркиби аъзолари иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, 2004 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига оид масалалар юзасидан жойларда тадбирлар белгиланмоқда.*

### ТОШКЕНТ

Шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов бошқарган йиғилишда ўтган йил мобайнида шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муайян силжишларга эришилгани, иқтисодиётни эркинлаштиришга, ташқи иқтисодий фаолият ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди. Жумладан, ички маҳсулот ҳажми 4, саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш 4,8, чакана савдо айланмаси 14,2, пуллик хизматлар кўрсатиш 5,7 фоиз ортди. Ташқи иқтисодий алоқалар кўлами кенгайиб, маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми 36,1 фоиз кўпайди.

Йиғилишда шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаёти Юртбошимиз белгилаб берган вазифалар асосида чуқур таҳлил этилди, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, бу борада зарур кафолатларни яратишга мутасадди тузилмалар томонидан етарлича аҳамият берилмаётгани қайд этилди.

Уй-жой-коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш жараёни суст бораётгани алоҳида таъкидланди. Коммунал хизматлар, айниқса, иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув сарфини ҳисобга оладиган асбоб-ускуналарнинг етарли даражада эмаслиги ҳамон жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Бу эса ана шу ресурсларнинг исроф бўлишига, тарифларнинг асоссиз ўсиши ва аҳоли қарздорлигининг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Фаоллар йиғилишида мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди, мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Нукусдаги йиғилишни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Т.Тангирбергенов бошқарди.

Ўтган йили Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муайян ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 108,7 фоиз бажарилди. Саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш борасида ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилди.

Шу билан бирга, 2004 йилда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада муайян камчилик ва муаммоларга йўл қўйилгани танқидий таҳлил қилинди. Ўтган даврда хусусийлаштириш жараёнига инвестицияларни, илғор технологияларни ва замонавий бошқаришни фаол жалб этиш борасида сусткашлик сезилди. Кичик ва хусусий бизнес корхоналари маҳсулотларини экспорт қилишга кўмаклашиш тизими яхши ташкил этилмаган.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди.

(Давоми 2-бетда).

# СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилояти ҳокимлари ўринбосарлари ва туман ҳокимларининг семинар-тренинг машғулотлари якунланди.

Ўн кун давом этган семинарда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг долзарб вазифалари, аграр тармоқдаги, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар, ташқи сиёсатнинг устувор жиҳатлари билан боғлиқ йўналишларда бир қанча маърузалар тингланди.

Машғулотларда интерфаол усуллар воситасида муайян муаммоларнинг ечими бўйича фикр-мулоҳазалар юритилди. Тингловчилар гуруҳларга бўлиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқдилар. Бунда ҳар бир тингловчи ўз қарашларини баён этиш орқали балл тўплаб борди.

— Бу йилги семинарнинг мунозара тарзида ташкил этилгани ўз самарасини берди, — дейди Фориш тумани ҳокими Б.Узоқов. — Машғулотларда Юртбошимиз томонидан илгари сурилаётган вазифаларни амалда изчиллик билан жорий этишнинг омиллари атрофлича муҳокама этилгани айни муддао бўлди.

Якуний семинарда умумий маърузалар юзасидан тест имтиҳони ўтказилди.

Шундан сўнг қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини эркинлаштириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлди. Унда тингловчилар олган билимларини амалиётга қўллаш, юқорида тилга олинган мажлисда Президентимиз белгилаб берган вазифаларни бажаришда бор имкониятни ишга солиш зарурлиги таъкидланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Шамшиев, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## 2 март — Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун

***Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган кун — 1992 йил 2 мартда Нью-Йоркдаги БМТ биноси олдида мамлакатимиз байроғи кўтарилган лаҳзаларнинг гувоҳи бўлган хорижлик ватандошларимизнинг ҳаяжонли ҳикояларини кўп бор тинглаганман. Улар кўзларидан оқаётган севинч ёшларини яширмай, бир-бирларини бағирларига босиб, қизғин муборакбод этганлар.***

# ЖАҲОНГА ҚУЧОҚ ОЧГАН ЮРТ

Чунки улар Ватан қадрини, Эрк қадрини бизлардан кўра теранроқ ҳис этардилар. Зеро, шўролар ҳукмронлиги даврида бутун жаҳонга тарқалиб кетган, муҳожирликнинг барча азоб-уқубатларини тортган, не-не йўқотишларни бошдан кечирган инсонлар учун бундан улуғроқ байрам йўқ эди.

Кейинчалик Американинг Нью-Жерси штатида яшаётган афғонистонлик ўзбек шоири Эргаш Учқун Ислом Каримовнинг БМТ минбаридан сўзлаган нутқини кўриб, шундай сатрларни битган эди:

*Марҳабо, эй раҳбари Ўзбекистон, хуш келдингиз,*
*Байроғимиз, шонимиз, ному нишон, хуш келдингиз.*
*Авваламбор ҳуррият байроғини тиккан йигит,*
*Олийҳиммат, пешрави озодагон, хуш келдингиз.*
*Мир Навоий элни маъшуқ, шоҳни ошиқдир деган,*
*Марҳабо, эй ошиқи Туроний, хуш келдингиз.*
*Гоҳ мухолиф, гоҳ мувофиқ, эл иши сарғашталик,*
*Гул тикансиз бўлмагай, эй боғбон, хуш келдингиз.*
*Биз муҳожирлар ватандору Ватанга зор эдик,*
*Дашти ғамда бошимизга соябон, хуш келдингиз.*
*Мен Ҳуросон ўзбегидирман, Навоий ўғлиман,*
*Сизга келтирдим саломи Ҳуросон, хуш келдингиз...*

Бу самимий мисралар хориждаги миллионлаб ватандошларимиз қалбидаги армонлар ва эзгу ниятларнинг шеърий ифодаси эди.

Ана шу тарихий воқеалардан буён 13 йил ўтди. Бу йиллар мамлакатимиз учун чинакам юксалиш даври бўлди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафидан мустаҳкам ўрин олди. Шўролар салтанатининг чекка бир вилоятидан халқаро сиёсатда ўз ўрнига ва ўз мавқеига эга бўлган нуфузли давлатга айланди. Бугун у 40 га яқин халқаро сиёсий ва иқтисодий ташкилотга аъзо.

(Давоми 3-бетда).

Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайлов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш якунларига кўра амалга киритилсин.

2. "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга киритилган кундан эътиборан қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №5–6, 67-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида"ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №5 — 6, 68-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, №5–6, 153-модда) XXII бўлими.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 2 декабрь.



Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

## Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари**
**2005 йил**

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

сайлов комиссиясига (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) юборилади.

**3-модда. Тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисида сайланган сенаторни чақириб олиш тартибини ташкил этиш ҳақида**

Тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисида сайланган сенатор энг аввало тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг депутати бўлиб, у тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати сифатида чақириб олинади.

Марказий сайлов комиссияси Сенатнинг сенаторни чақириб олиш зарурлиги тўғрисидаги қарорига мувофиқ сенатор тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органи депутати этиб сайланган сайлов округида овоз беришни ташкил этади. Бунда овоз бериш депутатни чақириб олиш бўйича ўтказилади.

Тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисида сайланган сенатор депутатлик мақомини йўқотганидан кейин, тегишинча депутатни чақириб олиш бўйича овоз бериш натижалари рўйхатга олинган пайтдан эътиборан сенаторлик мақомини ҳам йўқотади.

**4- модда. Депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни ташкил этиш**

Қонун ҳужжатларига мувофиқ депутатни чақириб олиш у сайланган округ сайловчиларининг яширин овоз бериши йўли билан амалга оширилади.

Депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ва депутатни сайлаш учун белгиланган тартибда ташкил этади.

Марказий сайлов комиссияси давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутатни чақириб олиш масаласи бўйича овоз беришни ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида қонунга мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг депутатини, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатини чақириб олиш бўйича округ комиссияси тузилишини таъминлайди ҳамда овоз бериш вақти ва жойини тайинлайди. Марказий сайлов комиссияси бу ҳақда тегишинча халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашини, Қонунчилик палатасини ёки Сенатни хабардор қилади.

**5-модда. Чақириб олиш ҳақидаги масаласи кўриб чиқилаётганда депутатнинг, сенаторнинг ҳуқуқлари кафолатлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) депутатни, сенаторни чақириб олиш учун ушбу Қонуннинг 1-моддасида назарда тутилган асослар бўлган материаллар тушган кундан эътиборан уч кунлик муддатдан кечиктирмай депутатга, сенаторга тушган ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма хабарнома юборади.

Чақириб олиш ҳақидаги масаласи қўйилган депутат сайловчилар билан учрашишга, сайловчиларнинг йиғилишларида, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг сессиялари ва мажлисларида чақириб олиниши ҳақидаги масала кўриб чиқилаётганда иштирок этишга ҳамда ўзини ҳимоя қилиб сўзга чиқишга ҳақли.

Депутатни, сенаторни чақириб олиш ҳақидаги масала қўйилишига сабаб бўлган ёлғон ахборотни билатуриб тақдим этган шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

**6-модда. Депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни ўтказиш**

Депутатни чақириб олиш ишларини ташкил этиш тегишли округ комиссияси зиммасига юкланади.

Депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни ўтказиш учун овоз беришга кечи билан йигирма беш кун қолганида овоз бериш участкалари ва кечи билан йигирма кун қолганида участка комиссиялари тузилади.

Тегишли сайлов округи сайловчиларининг рўйхатлари овоз бериш кунига кечи билан ўн кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади.

Овоз бериш участкаларини ва комиссияларни тузиш, комиссияларнинг ваколатлари, сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш, овоз беришни ўтказиш "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Депутатни чақириб олиш бўйича яширин овоз

*Шунга эришмоғимиз керакки, ҳар бир солиқ тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилсин.*

**Ислом КАРИМОВ.**

# Турмушимизнинг ҳаётбахш манбаи

## Солиқ тўловчи маданияти

Солиқларни тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларни яширишга уринмасдан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва даромадларни кўпайтиришга интилиш табиийки, сиз билан бизни, ҳаммамизни, ўзбек халқини ва Ўзбекистонликларни иқтисодий тараққиётнинг юқори босқичига олиб чиқади, биз учун зарур бўлган мустаҳкам барқарорликни (иқтисодий, сиёсий, маънавий) ва тинчликни таъминлайди. Шундай экан, бугунги кунда солиқ тўловчиларда ана шундай ҳиссиётни, ана шундай онгни шакллантириш, бизнинг назаримизда, алоҳида аҳамият касб этади. Бусиз олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этолмаймиз. Назоратни кучайтириш, текшир-текширлар орқали ҳам кўзланган мақсадларга етиб боришимиз амримаҳол. Чунки назорат қилиш ва текширувлар ўтказиш маълум бир даражага етгунга қадар ўз самарасини бериб туриши мумкин. Ўша даражадан ўтгандан сўнг тескари натижа беради.

Солиқ тўловчиларда солиқларни ўз вақтида ва белгиланган меъёрларда тўлаб туришга нисбатан онгли муносабат, ҳиссиёт ва кайфият шакланар экан, ишончингиз комил бўлсинки, назоратни кучайтиришга, текшир-текширларнинг сонини кўпайтиришга ва тадбиркорлар фаолиятига ортиқча аралашувга ҳам ҳожат қолмайди.

Хўш, солиқ тўловчиларда бундай онгли муносабат, кайфиятни қандай қилиб шакллантириш мумкин? Унга эришишнинг йўли қандай? Бунинг учун нима қилишимиз керак? Агар сиз билан биз орзу қилаётган айрим мамлакатларнинг фуқароларида ана шу нарсалар шакилланган бўлса, улар бунга қандай қилиб эришди экан? Нега улар "Солиқларни ўз вақтида ва белгиланган меъёрларда тўлаш керак!" - деб унга ишонч билан қатъий амал қиладилару, бизда вазият бошқача?

Энг аввало, ўзимизнинг солиқ тўловчиларимизда ҳам "Биз нима учун солиқ тўлаётганимизни яхши биламиз!", деган онгли муносабатни, кайфиятни шакллантиришимиз зарур.

Бунинг учун, биринчи галда солиқ тўловчилардан ундирилган солиқларнинг қаёққа кетаётганлигини, уларнинг нима мақсадлар учун сарфланганлигини, ўша сарфиёт айнан мақсадга мувофиқлигини ва уларнинг қандай самара (иқтисодий, сиёсий, маънавий) берганлигини солиқ тўловчиларимизга ишонарли қилиб тушунтириб беришимиз керак.

Бу ишни, бизнинг фикримизча, ҳар ким ўз оиласидан бошлаши лозим. Ўзимизнинг пешона теримиз билан топилган бойлигимиз ҳаддан зиёд ортиб кетган бўлишига қарамасдан, агар оиламизга давлатнинг қандайдир шаклда нафи тегаётган бўлса ҳам, уларнинг барчаси солиқ тўловчилар томонидан тўланган солиқлар ҳисобидан молиялаштирилаётганлигини азиз фарзандларимизнинг қулоғига қуйишимиз шарт. Биз бу ишни қилаяпмизми?..

Фарзандларимиз бюджет ҳисобидан молиялаштирилаётган мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланаётган эканлар, боғчаопалар "Мана шу бино, ундаги инвентарлар, турли-туман ўйинчоқлар, овқатлар ва ҳоказолар солиқлар ҳисобидан бизнинг ихтиёримизга берилган. Уларнинг қадрига етишимиз керак. Катта бўлганимизда, ҳаммамиз солиқларни ўз вақтида тўлаб қўйишимиз шарт, тўғрими, болажонлар?", дейишса, айни муддао бўларди.

Мамлакат Конституциясини фарзандларимиз боғча ёшидан ўрганишлари керак, деймиз. Ахир, солиқ тўлаш фуқаронинг конституциявий бурчи эмасми?

Мактаб, академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртларининг фаолияти нима ҳисобидан молиялаштирилаяпти? Уларда таълим-тарбия олаётганларга ана шуларнинг ҳаммаси, асосан, солиқлар ҳисобидан таъминланаётганлиги, бу солиқларни солиқ тўловчилар бўлган уларнинг ота-оналари тўлаётганлиги тушунтирилса, балки шу муассасалар мулкига бўлган муносабат ўз уйимиздаги мол-мулкка бўлган муносабат сингари ўзгарармиди? Халқ таълими соҳасидаги муассасаларнинг келгусидаги аҳволи бугун шу даргоҳда таҳсил олаётганларнинг тартибли солиқ тўловчи бўлиб етишишларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги уқтирилса ва шунга эришилса, нур устига нур бўлар эди-ку!

Соғлиқни сақлаш муассасаларида жон олиб-жон бериб ётган ёки бир умрга ногирон бўлиш хавфи бўлган ва умуман, барча беморларга улар даволаниб соғайиб чиққанларидан сўнг тиббиёт ходимлари баралла овозда "Бугунги кунда ҳаётга қайтганингнинг асосий сабабларидан бири солиқ тўловчиларимизнинг солиқларни ўз вақтида тўлаганларидир» деб айтолсалар ва айтсалар, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш кескин камаярмиди!?

Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари нима ҳисобидан молиялаштирилаяпти? Фан ривожи ва истиқболли тадқиқотлар учун маблағ қаердан олинаяпти? Ижтимоий таъминот билан боғлиқ бўлган муаммолар нима ҳисобидан ечилаяпти? Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисми учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқ нима ҳисобидан қопланаяпти? Кўп болали оилаларга ва кам таъминланган хонадон соҳибларига нафақалар нима ҳисобидан тўланаяпти? Иқтисодиётга харажатлар ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш нима ҳисобидан амалга оширилаяпти?

Бу саволларнинг жавоби ҳам битта: солиқлар.

Юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сураяпти. Оилаларда – хотиржамлик. Тинчгина ухлаяпмиз. Фарзандларимиз чопқиллаб юришибди. Сарҳадларимиз дахлсиз. Тинчлигимизни бузиш, юртимиздаги осойишталикка раҳна солиш ниятида бўлганлар ўз вақтида таъзирини олаяпти.

Ана шу "Тинчлик!" деган улуғ неъматга эришиш ўз-ўзидан бўлмаётгандир? Унга эришиш учун фақат меҳнат қилишнинг ўзи кифоя эмас. Маблағ ҳам сарфлаш керак. Маблағ қаердан олинаяпти? Солиғини ўз вақтида тўлаб турган солиқ тўловчиларнинг солиқларидан.

Солиқларни ўз вақтида тўлаб туришнинг бундай хосиятлари бор эканлигини оммага ким тушунтириб беради? "Сиз тўлаётган солиқлар сизнинг тинчлигингизни таъминлашга ҳам хизмат қилаяпти!" — деб ким уқтириши керак?

... Дунёнинг турли бурчакларида эркин қушдек учиб юрган бели бақувват давлатларнинг фуқароларини кўриб, ҳавасимиз келади. Ўша давлатларни бақувват қилган нарса нима экан? Солиқлар. Солиғини тўлаб, мамлакатининг белини бақувват қилган фуқаросини давлат озод қушдек юришини ва ҳурлигини таъминламасдан нима қилсин? Ўз фуқароларининг ҳеч кимдан кам бўлмаслигини таъминлаш ниятида бўлган Ўзбекистон деб аталмиш давлатнинг ҳам бели бақувват ва қўли узун бўлишини ҳаммамиз истаймиз-ку! Истасак, ҳаракатимиз истагимизга мос бўлсин-да!

Ҳа, солиқларни ўз вақтида тўлаш мутелик эмас, озодлик белгисидир. Бу ҳаётда аллақачон ўз тасдиғини топган ҳақиқат.

**Тоҳир МАЛИКОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**

# АСОСИЙ ЭЪТИБОР КАМЧИЛИКЛАРГА ҚАРАТИЛДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

## ЖИЗЗАХ

Вилоят фаолларининг йиғилишини вилоят ҳокими У. Яманқулов бошқарди. Таъкидландики, вилоятда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 107,7 фоизга кўпайган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 112,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 11,2 ҳамда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 115,2 фоизга ошган. Айни пайтда чакана товар айланиши, аҳолига маиший ва пулли хизмат кўрсатишда ҳам жиддий ўсишга эришилган.

2004 йилда қишлоқ хўжалиги ва саноатда нодавлат секторнинг улуши 97,1-98,9 фоизни ташкил этди. Аммо ўтган йили мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг барча манбаларидан тушум режаси 82 фоизга бажарилди, холос.

Давлатга ғалла, пахта сотиш режаси ошириб бажарилган бир пайтда, саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган 45 тур асосий маҳсулотнинг 14 тури бўйича ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар нақд пул тушуми борасидаги камчиликларни жиддий танқид қилишди. Газ, сув, электр энергиясидан дебиторлик қарзлари камаймаяпти. Хусусийлаштириш жараёнида қатъийлик, тадбиркорлик етишмайди. Вилоятда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун аниқ дастур ва ҳаракат зарур. Раҳбар ҳамда мутахассисларнинг, тадбиркорларнинг ўзаро тажриба алмашишлари, малака оширишларини доимий йўлга қўйиш лозим.

Вилоят фаоллари йиғилишида Республика Бош вазири ўринбосари Э. Ғаниев сўзга чиқди.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари.**

*— Баҳор бизнинг Заркентдан бошланади, — дейди янгиқўрғонлик тадбиркор Иброҳимжон Қурбонов. — Негаки, қиш оёқлаб, қор эриди дегунча заркентликлар ўз боғига ошиқади. Дарахтларга шакл бериш, ариқ-зовурларни тозалаш, дарахтларни оқлаш сингари ишларни бошлаб юборилади.*

*Дарҳақиқат, бугун Заркентга борсангиз, ёшу-қарини боғу узумзорда баҳорги юмушлар билан андармон ҳолда учратасиз. Хўжалик тасарруфида 396 гектар боғ бор. Мазкур боғдан ҳар йили 1970 тонна мева, 200 гектарлик токзордан 1700 тонна узум топширилади. Иброҳимжон Қурбоновнинг ҳам тасарруфида олмазори бор.*

*— Бу йил ҳам ўтган йилгидан кам ҳосил олмаймиз, —дейди ижарачи ишонч билан.*

**Суратда: Иброҳимжон Қурбонов дарахтларга шакл бераётир.**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Ўзбекистон —"Сконто" — 2:0

**Футбол бўйича Тошкент халқаро турнири нихоясига етмокда. Кеча Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси ва Латвиянинг ўн тўрт карра чемпиони "Сконто" жамоалари учинчи ўрин учун баҳсда майдонга тушдилар.**

**Ўтган йил Европа чемпионатида иштирок этган Латвия терма жамоасининг тажрибали ҳимоячиси Михаил Землинский бошчилигидаги "Сконто" футболчилари Садриддин Абдуллаев, Шавкат Саломов, Аббос Абдуллаев, Музаффар Умрзоқов ва жамоанинг бошқа аъзолари шиддатли ҳужумига дош беролмадилар. Учрашув —2:0 ҳисобида Олимпия терма жамоамиз фойдасига ҳал бўлди.**

**Бутун ўйин давомида ҳамюртларимиз катта устунлик билан ҳаракат қилдилар. Улар легионерларсиз ҳам чиройли ва мазмунли ўйин намойиш этиш мумкин эканлигини яна бир бор исботлашди.**

**Халқаро турнирнинг финал учрашуви бугун "Пахтакор" ва "Нефтчи" жамоалари ўртасида ўтказилади.**

# ҚУЁШ ЖИЛВА ҚИЛДИ...

*Қуёшни соғиниб қолибмиз. "Йилт" этиши билан кўнгилга илиқлик инди. Асли кейинги кунларда кетма-кет ёққан қорнинг совуғи қаттиқ бўлса-да, ёғишининг шиддати бир қадар сусайгандек. Қор парчалари ҳам ерга эриниб-эриниб тушгандек бўлганди. Бу билан қиш табиатга ҳукмронлик вақти ниҳояланмаганини, ҳали-вери ўз "салтанатини" тарк этиш нияти йўқлигини билдириб қўймоқчи эди гўё. Биз эса кетма-кет ёққан қорга тикилиб, ҳар сафар "Бу йилги қишнинг охирги қори шу бўлса керак", деган илинжда бўлдик. Бу илинж дилга далда бўлаверди.*

## Наврўз нафаси

Табиат уйғоняпти... Қарғаларнинг қағиллаши қулоққа ёқмай, аллақандай қушларнинг майин чуғур-чуғури совуқ қаҳридан деразалари маҳкамланган уйларнинг бурчак-бурчакларигача эшитиляпти. Кишига хуш ёқяпти. Юрак торларига тегиб кетгувчи бу овоздан беихтиёр ўша қушчаларни кўриш иштиёқи уйғоняпти.

Дарахт новдаларига эътибор беринг-а. Қаттиқ қиш уйқусидан эриниб кўз очаётган бўлса ҳам қуёшнинг салгина тафти ила уларда бўлаётган ўзгаришни сезиш қийин эмас. Кунлар илишини улар шу даража интиқлик билан кутишяптики... Бўртиб қолган куртакларга қуёш тафтининг бир игначалик учи тегиб кетса-да, олам гулистондек гўё. Улар аста бош кўтаради. Қиши билан шимган "шарбат"лари таъсирида барг ёзади, гуллай бошлайди. Оз қолди.

Она заминнинг қиши билан қор сувига тўйингани унинг "чехраси"дан сезиляпти. Гўё эрта-индин ниш уриб чиқадиган чечаклар, ўтўланлар тупроқнинг сўнгги қатламини тебратаётганга ўхшайди. Бугун-эрта улар янги фаслнинг элчиси сифатида табиат билан юз кўришади.

Кексалар "Қишнинг бир куни қолса ҳам қишда", дейишади. Тўғрида. Ота-боболаримиз қиш чилласидан кейин бўладиган "хут-ют", "аҳмон-даҳмон", "қантар оғди", "сариқ сумалак", "аямажуз", "кучала қор"ларнинг таърифини шунчалар ўхшатиб айтишганки, булардан орттириб бир нарса дейиш мушкул. Жумладан, эмишки, чилла чиққач, ҳаво очилиб, бирдан кунлар исиб кетса, қиш "хут" бўлиб (яъни сезилмай) ўтаркан. Қиш авжига олиб, баттар совуқ тушса, "ют" (гўё ҳаммаёқни ютгандек) бўлиб кетаркан". Булар бари табиат инъомлари. Ҳар бирининг ўз ўрни бор.

Табиат уйғоняпти... Қуёш жилва қилиши билан ҳовли-жойлар, боғларда, кўп қаватли уйларнинг олдида қиш чўзилиб, анча зерикиб қолган одамларнинг ғимирғимири кўзга ташланяпти. Дала-боғларда, ширкат ва фермер хўжаликларида янги ҳосил ташвиши аллақачон бошланиб кетган. Бу йил табиат сахийлик қилди. Қор кўп ёғди. У ризқ-насиба дегани. Яна бир йилимиз барокатли бўлади дегани. Яхши ният билан бошланган ишлар эса ҳамиша хайрли тугайди.

Табиат уйғониши бизни ҳамиша соғинч ила кутгувчи Наврўзи оламга яқинлаштиради. Унинг ҳасанотли "қадами" ҳар бир хонадонга тинчлик, қут-барака, меҳр-оқибат, файзу барака олиб киради. Одамлар дилига савоб ва хайрли ишларни бағрикенглик, яратувчанлик ила адо этишни жо қилади. Эҳ-ҳе, Наврўзи оламнинг ўзи-да таърифу тавсифи ҳам азалий ва абадий. Зеро, ифорли, фарахбахш Наврўз тонги отишига ҳам бир баҳя қолди.

Бугун эса БАҲОР...

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Қирқиш чизиғи — Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида

Ушбу Қонун халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини (бундан буён матнда депутат деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзосини (бундан буён матнда сенатор деб юритилади) чақириб олиш тартибини белгилайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатини чақириб олиш тартиби Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**1-модда. Чақириб олиш асослари**

Депутатни, сенаторни чақириб олиш учун қуйидагилар асос бўлади:

депутатнинг, сенаторнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини жиноий, фуқаровий, маъмурий ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа турдаги жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузганлиги;

депутатнинг, сенаторнинг ахлоқ, депутатлик одобининг умум эътироф этилган нормаларини қўпол равишда бузувчи ва депутат, сенатор номига доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ножўя ишлар содир этганлиги;

депутатнинг, сенаторнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда, узрли сабабларсиз бажармаганлиги, шу жумладан тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) мажлисларида, уларнинг органлари ишида иштирок этмаганлиги, уларнинг топшириқларини бажармаганлиги.

**2-модда. Депутатни, сенаторни чақириб олиш зарурлиги тўғрисидаги қарор**

Қонун ҳужжатларини, ахлоқ ва депутатлик одоби нормаларини бузган, ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармаётган депутатни, сенаторни чақириб олиш зарурлиги тўғрисидаги қарор тегишинча халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) томонидан қабул қилинади.

Депутатни, сенаторни чақириб олиш масаласини кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва прокуратура томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган сўрови ҳам асос бўлиши мумкин.

Депутатнинг, сенаторнинг қонун ҳужжатларини бузганлиги далилларига оид материаллар халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) томонидан тегишинча вилоят, туман, шаҳар прокурорига ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ушбу масала юзасидан халқ депутатлари Кенгашининг, Қонунчилик палатасининг ёки Сенатнинг депутатлик одоби қўмитасига (комиссиясига) хулоса тақдим этиш учун топширилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) депутатлик одоби қўмитасининг (комиссиясининг) ва прокурорнинг хулосаларини эшитиш якунлари бўйича депутатни, сенаторни чақириб олиш ҳақидаги масаланинг қўйилиши асослилиги ёхуд асоссизлиги тўғрисида қарор чиқаради.

Чақириб олиш тўғрисидаги масаласи қўйилган депутатнинг, сенаторнинг ҳамда мазкур масалага доир материалларни ўрганган ва тайёрлаган прокурорнинг фикри халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг, Қонунчилик палатасининг ёки Сенатнинг (Сенат Кенгашининг) мажлисида эшитилиши мумкин.

Чақириб олиш тўғрисидаги таклиф асосли деб эътироф этилган тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органининг тегишли қарори депутатни, сенаторни чақириб олиш бўйича овоз беришни ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси округ комиссиясидан олинган баённома асосида депутатни чақириб олиш бўйича овоз бериш натижаларини беш кунлик муддат ичида рўйхатга олади ҳамда бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилади.

Қонунчилик палатаси депутатини чақириб олиш бўйича овоз бериш якунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссияси Қонунчилик палатасини хабардор қилади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатини чақириб олиш бўйича овоз бериш якунлари тўғрисида тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органини ва Марказий сайлов комиссиясини хабардор қилади.

Депутатнинг ваколатлари, агар овоз бериш натижасида депутат чақириб олинган бўлса, уни чақириб олиш бўйича овоз бериш натижалари рўйхатга олинган пайтдан эътиборан муддатидан илгари тугатилган ҳисобланади.

**8-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган сенаторнинг чақириб олиниши**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган сенаторни чақириб олиш ушбу Қонуннинг 1-моддасида назарда тутилган асослар бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган сенаторни чақириб олиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан амалга оширилади.

**9-модда. Депутатни, сенаторни чақириб олиш билан боғлиқ харажатлар**

Депутатни, сенаторни чақириб олиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

**10-модда. Ушбу Қонун бузилганлиги устидан шикоят қилиш**

Ушбу Қонун бузилганлиги устидан Марказий сайлов комиссиясига, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 2 декабрь.

# ЖАҲОНГА ҚУЧОҚ ОЧГАН ЮРТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тошкентда 60 га яқин хорижий мамлакатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият олиб бораяпти. Ўз навбатида, дунёнинг 30 дан ортиқ давлатида Ўзбекистоннинг элчихона ва консулхоналари мавжуд. Мамлакатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар минбаридан сўзлаган нутқлари, минтақада тинчликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари Ўзбекистонни тинчликсевар, демократик давлат сифатида жаҳонга танитди.

Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида, бошқа соҳалар қатори, ташқи сиёсатдаги устувор йўналишлар ҳам белгилаб берилган. Ундаги энг муҳим хулоса эса давлатимиз ташқи сиёсатининг асосида энг аввало Ўзбекистон манфаати туриши ҳақидаги фикрдир. Зеро, бугун юзлаб хорижий давлатлар билан олиб бораётган сиёсий ва иқтисодий алоқаларимиз негизида ҳам худди шу тамойил бор.

Ташқи сиёсатимизнинг яна бир устувор йўналиши – Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш эканлиги таъкидланди. Кейинги йилларда халқаро минбарлардан баён этилган барча ташаббусларимиз – минтақада ядросиз ҳудуд барпо этиш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, наркобизнесга қарши кураш бўйича ҳамда Орол муаммоси хусусида БМТнинг махсус комиссияларини ташкил этиш – барча-барчаси ана шу мақсадга қаратилган.

Ўзбекистон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотининг асосчиларидан ва фаол иштирокчиларидан бири. Бу ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик минтақа муаммоларини ўз вақтида ва баҳамжиҳат ҳал этиш имконини бермоқда.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг ўтган йилги Тошкент саммити халқаро миқёсда катта акс-садо берди. Мамлакатимиз Президенти раислигида ўтган учрашувда Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари билан бирга илк бор Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай ҳамда Мўғулистон президентининг вакили, мамлакат ташқи ишлар вазири Лувсангийн Эрдэнэчулуун иштирок этди. Долзарб халқаро масалалар қатори Ўзбекистон раҳбарининг минтақада умумий бозор ташкил қилиш, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга кўмаклашиш, халқаро терроризм ва унинг молиявий манбаи бўлган гиёҳванд моддалар ноқонуний тижоратига қарши курашда кучларни бирлаштириш каби ташаббуслари муҳокама мавзуси бўлди. Саммитда қабул қилинган Тошкент Декларацияси ва имзоланган бошқа ҳужжатлар аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, минтақамизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда яна бир муҳим қадам бўлди.

Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотининг пойдевори 1994 йили қўйилган эди. Ўшанда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон раҳбарлари Ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш ҳақидаги шартномага имзо чеккан эдилар. 1998 йили унга Тожикистон ҳам қўшилди. Ўтган йили Россиянинг ҳам аъзо бўлиши билан ташкилотнинг фаолият ва таъсир доираси янада ортди. Эндиликда минтақадаги барқарорлик, сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий алоқалар ривожи мазкур ташкилотнинг самарали фаолияти билан узвий боғлиқ. Пировард мақсад эса келгусида Европа Иттифоқи даражасидаги бирлик ва ҳамкорликка эришишдир.

Минтақамиз барқарорлиги қўшни Афғонистон ҳудудидаги тинчлик ва осойишталикка кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу ўлкада 20 йилдан ортиқроқ давом этган ўзаро урушлар ва толиблар ҳукмронлиги Марказий Осиёда кўплаб ноҳуш ҳолатларга сабаб бўлди. Тожикистонда юз берган фуқаролар уруши, Ўзбекистон ва Қирғизистонга қилинган террорчилик хуружлари Афғонистондаги воқеалар билан узвий боғлиқ эди. Чунки мамлакат ҳудуди ашаддий ақидапарастлар ва террорчилар қароргоҳига айланиб қолган эди. Ўзбекистон раҳбари юксак минбарлардан туриб жаҳон жамоатчилигини бу хавфдан қайта-қайта огоҳлантирди. Ниҳоят, АҚШ бошчилигидаги терроризмга қарши коалиция ҳаракати билан Афғонистондаги қора кучлар тор-мор қилинди. Бунда Ўзбекистоннинг ҳиссаси ҳам сезиларли бўлди. Эндиликда Ҳамид Карзай бошчилигида мамлакат янги ҳаёт қурмоқда, Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларида фаол иштирок этишга интилмоқда. Аммо ҳали бу жафокаш заминда тўла осойишталик ўрнатилгани йўқ, гиёҳванд моддалар етиштириш миқёси ҳам камаймаяпти. "Бу муаммони биринчи навбатда Афғонистон иқтисодиётини чуқур таркибий ўзгартириш, аҳолини тинч ва бунёдкорлик меҳнати билан банд этиш орқали ҳал қилиш мумкин ва лозим", деб таъкидлади Юртбошимиз. Бунда минтақа давлатларининг фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон бугунги кунда Афғонистонга йўл қурилиши, электр таъминоти, телекоммуникация соҳаларида яқиндан ёрдам бераяпти. Биргаликда қурилиши мўлжалланаётган ва Афғонистон орқали Эрон портларига чиқадиган автомобиль йўли минтақавий ҳамкорликни янада жадаллаштиради.

Мамлакатимиз раҳбариятининг ядросиз ҳудуд барпо этиш ташаббуси ҳам минтақа аҳолисининг келажаги учун ниҳоятда муҳим. Илк бор у Юртбошимиз томонидан 1993 йили БМТ минбаридан эълон қилинган эди. 1997 йили Ўзбекистонда шу мавзуда халқаро конференция ўтказилди. Ташаббус барча халқаро ташкилотлар томонидан маъқулланди. Аммо уни расмийлаштириш иши бироз чўзилиб кетди. Куни кеча Тошкентда бўлиб ўтган минтақавий экспертлар гуруҳининг йиғилиши тайёргарлик ишларини якунлади. Бу ҳақдаги шартномани БМТ Бош Ассамблеясининг 60-юбилей сессиясига қадар (2005 йил сентябрь) имзолаш кўзда тутилмоқда.

Шартноманинг аҳамияти нимада, деган савол туғилиши табиий. Марказий Осиё давлатлари ядровий давлатлар билан чегарадош. Бир қатор қўшни мамлакатларда ядро қуролини яратиш устида иш олиб борилаяпти. Айрим давлатлар мўмай пул эвазига ўз ҳудудида ядро чиқиндиларини кўмишга ҳозирланаяпти. Террорчилар эса турли йўллар билан ядровий, кимёвий ва бактериологик қуролларни қўлга киритишга ҳаракат қилаяптилар. Шундай шароитда ядросиз ҳудуд барпо этиш минтақада тинчлик ва осойишталикнинг муҳим шартидир.

Бугунги кунда дунё террорчилик офати билан юзма-юз келди. Марказий Осиё давлатлари ҳам бундан мустасно эмас. Чунки бой табиий заҳираларга ва стратегик мавқега эга бўлган минтақа йирик давлатларнинг ҳам, ақидапараст кучларнинг ҳам диққат марказида турибди. Шу сабабли бу курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, экстремистик ташкилотлар фаолиятини қаттиқ назорат остига олиш муваффақият гаровидир. "Биз наркоагрессия, халқаро терроризм, диний экстремизм ва сепаратизм учун ҳеч қандай "транзит" мамлакат йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас, деб ҳисоблаймиз, — деди ўз нутқида Ислом Каримов. – Ишончим комил, бундай тажовузкор кучлар билан "ўйин" қилиш, уларга қарши курашдан ўзини четга олишга ҳар қандай уриниш катта хатодир".

Ўзбекистон бугун 140 дан ортиқ мамлакат билан савдосотиқ қилади. У Америка Қўшма Штатлари, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва Шарқдаги кўплаб мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатган. Яхши ният билан бизга ҳамкорлик қўлини чўзган ҳар бир кишига эшикларимиз очиқ. Зеро, бугунги глобаллашув жараёнида ҳеч бир давлат ўз қобиғига ўралиб яшай олмайди. "Тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради", деб ёзган эди Юртбошимиз "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида. Мамлакатимизнинг тобора кенгайиб бораётган халқаро алоқалари, жаҳон сиёсатидаги фаол иштироки ана шу фикрларнинг амалий ифодасидир.

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

### Ливанда норозилик намойишлари

***Хабарингиз бор, февраль ойининг ўрталарида уюштирилган суиқасд натижасида Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Харири вафот этганди. Шундан буён мамлакатда Сурияга қарши норозилик намойишлари тўхтамаяпти. Сабаби, кўпчилик ушбу хунрезликда расмий Дамашқни айбламоқда.***

***Шу билан бирга мамлакат аҳолисининг бир қисми Сурияни қўллаб-қувватламоқда. Ҳукумат эса бўлиб ўтаётган намойишларни тўхтатишга чақирмоқда.***

### Марказий Осиёда парламент сайловлари

***Тожикистон Республикасида мамлакат парламенти қуйи палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Дастлабки***

***маълумотларга қараганда, қуйи палатага 63 нафар депутат сайланган. Марказий сайлов комиссияси раҳбари Мирзоали Болтуевнинг таъкидлашича, мазкур умумхалқ тадбирида 80 фоиз сайловчи иштирок этган.***

***Айни пайтда Қирғизистонда ҳам парламент учун биринчи тур сайловлари бўлиб ўтди. Парламентдаги жами 75 та ўрин учун 380 та номзод кураш олиб борди. Шундан 28 та депутатгина биринчи турда ғалаба қозонган, холос. Иккинчи тур сайловлари 13 март куни ўтказилади.***

### «Миллион долларлик қиз»

***Америка киноакадемияси аъзолари «Миллион долларлик қиз» фильмини йилнинг энг яхши киноасари деб топишди. Клинт Иствуд картинаси «Оскар 2005»нинг олтита номинациясидан тўрттасида ғолиб деб топилди. Ушбу фильм «Авиатор», «Сеҳрли диёр» ҳамда «Рей» фильмларини ортда қолдирди.***

### Ироқ халқидан кечирим сўради

***Маълумки, 2003 йилда Басра шаҳрида британиялик аскарлар ироқлик асирларга нисбатан қўпол муомалада бўлганликда айбланганди. Шундан сўнг Германиядаги ҳарбий трибунал уч нафар аскарни озодликдан маҳрум этди. Ушбу жиноятларни содир этганлиги учун Британия армияси қўмондонлиги генерали Сэр Майк Жексон армия номидан Ироқ халқидан кечирим сўради.***

### Ҳамкорликдан ташвишда

***Россия Эрон билан ушбу мамлакатда жойлашган Бушердаги биринчи электр станциясидаги атом реактори учун ядро ёқилғиси етказиб бериш юзасидан ўзаро битимни имзолади. Бироқ, АҚШ расмий Москва ва Теҳрон ўртасидаги бу ҳамкорликдан хавотирланмоқда. Сабаби, Оқ уй эронликлар ушбу реактордан ядровий қурол яратишда фойдаланишидан ташвиш билдирмоқда.***

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

Хабарлар оқимидан

### Фермерлар малака оширмоқдалар

Хоразм вилоятида АҚШнинг Ривожланиш агентлиги (ЮСАИД) ва Винрок Интернэшнл халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда фермерлар ўқуви ташкил этилди.

Ундан кўзланган мақсад фермерларнинг ҳуқуқий билим ва тажрибасини юксалтиришдир. Ҳозиргача Янгибозор, Янгиариқ, Шовот, Хива ва бошқа туманларда бўлиб ўтган ўқувда 7000 нафар фермер малака ва билимларини оширдилар.

Агар вилоятдаги мавжуд 89 та ширкат хўжаликларнинг 72 таси фермерликка ихтисослаштирилгани эътиборга олинса, ушбу ўқувлар муҳим аҳамият касб этиши аён бўлади.

**О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Норин равнақ топади

Икки дарё оралиғида жойлашган Норинда ер ости сувларининг кўтарилиши туман иқтисодиёти ривожи ва аҳоли турмуши билан боғлиқ бир қатор муаммоларни юзага келтирди. Мана, икки йилдирки, бу ерда республика ҳукумати ёрдами билан зах сувларни қочириш мақсадида кенг кўламли ирригация-мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда. Жорий йил январида эса яна бир ҳайрли иш Чўжа — Ҳаққулобод автомобиль йўлини мукаммал таъмирлашга киришилди. Давлат бюджетидан 1 миллиард 680 млн. 180 минг сўм маблағ ажратилган ушбу лойиҳа амалга оширилгач, 25 километр узунликдаги йўл жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтирилади. Айни пайтда бешта пудратчи йўлсозлик корхонаси таъмирлаш ишларини жадал суръатда олиб бораётир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 1 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 847,89 | 1 Канада доллари | 867,83 | 1 Швейцария франки | 924,77 | 10 Япония иенаси | 102,41 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2061,70 | 1 Хитой юани | 129,58 | 1 ЕВРО | 1423,26 | 1 Россия рубли | 38,61 |
| 1 Дания кронаси | 191,32 | 1 Малайзия рингити | 282,26 | 10 Жанубий Корея вони | 10,68 | 1 Украина гривнаси | 202,39 |
| 1 БАА дирхами | 292,01 | 1 Польша злотийси | 362,07 | | | | |
| 1 АҚШ доллари | 1072,46 | 1 СДР | 1635,03 | | | | |
| 1 Миср фунти | 185,55 | 1 Туркия лираси | 831,36 | | | | |
| 1 Исландия кронаси | 17,72 | | | | | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Рентген сурати — сифат хавфсизлиги

Biostom
AUTHORIZED DISTRIBUTOR
Kodak | Dental Systems

***Одатда шундай бўлади: Сизни рентген хонасидаги курсига ўтқазиб, қўлингизга бир бўлак қора қоғозга ўралган плёнка беришади. Уни оғиз бўшлиғида тўғри жойлаштириб, ушлаб туришингизни сўрашади. Рентген аппарати ишга тушади. Сиздан плёнкани олиб, 1-2 дақиқадан сўнг қўлингизга ҳали қуриб улгурмаган нам рентген суратини беришади.***

Тишларингизни рентген қилдирганингизда қанча нурланиш олишингиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? «Сурат жуда кичкина бўлса, бу хавотирланишга арзийдими» дерсиз. Ҳа, арзийди. Тишларининг 3х4 см. ўлчамдаги бир марта рентген суратини олдирган инсон организми қабул қилган нурланиш технология талабларига риоя қилинмаганида ўпканинг 30х40 см.ли рентген сурати туширилган пайтида олинган нурланишдан бир неча баробар кўпроқдир. Сиз нурланишнинг бундай хавфли миқдоридан ўзингизни асраб қолиш учун оғиз бўшлиғида олинадиган рентген сурати қандай туширилишига бир оз аҳамият берсангиз кифоя. Гап шундаки, рентген плёнкаси қора қоғозга ўралган бўлмаслиги керак.

Бутун дунёда оғиз бўшлиғида олинадиган рентген сурати учун махсус стоматология плёнкасидан фойдаланилади. Унинг ҳар бири заводда махсус ғилофга ўралади. Замонавий плёнкалар винил пакетчага солинган бўлиб, унинг ичида яна ёруғликдан сақловчи қора қоғоз, Сизни рентген нуридан асровчи бир бўлак қўрғошин зар қоғози жойлаштирилган. Гигиена мақсадида плёнка беморнинг оғиз бўшлиғига жойлаштирилишидан аввал одатда полиэтилен пакетча ёки хитой қоғозига ўралади.

Илгари стоматологик плёнка жуда кам бўлар эди. Шу боис қора қоғозга ўралган плёнкалар флюороплёнка (кўкрак қафасининг рентген сурати учун ишлатиладиган умумий плёнка)дан кесиб тайёрланарди.

Муаммо шундаки, флюороплёнкаларни ишлаб чиқариш технологияси ва уларнинг хусусиятлари кейинги 10 йил ичида анча ўзгарди. Ҳозирги флюороплёнкалар жуда паст даражадаги сезувчанликка эга, чунки улар фақат нурни кучайтирувчи экран билан ишлатишга мўлжалланган. Экрансиз ишлатиш учун эса бундай плёнкага **бир неча ўн баробар кучли** нур билан таъсир этиш зарур. Кесилган плёнкалардан фойдаланиладиган стоматология хоналарида айнан шундай қилинади.

Нурланиш миқдорини бир неча баробар ошириш ҳам мумкин. Стоматологик рентген аппаратлари, айниқса, эскилари рентген нури қувватининг зарур даражадаги зичлигини таъминлай олади. Эски рентген аппаратларида катта миқдордаги нурланиш режими кўзда тутилганлигидан ташқари оғиз бўшлиғида рентген сурати олинадиган фокус масофаси 30 см., кўкрак қафасининг умумий сурати олинаётганда эса бу масофа 100 см. бўлишини ҳам инобатга олиш керак.

Бу оғиз бўшлиғида рентген трубкаси нурининг айни бир дозаларидаги нурланиш даражаси кўкрак қафасини суратга олиш чоғидаги қувват оқими зичлигидан ўн баробар ортиқ бўлишини билдиради.

Шу икки омил — кесилган плёнканинг паст рентген сезувчанлиги ва фокус масофасининг кичиклиги организм қабул қилган нурланиш миқдорининг **100 баробардан** зиёд ортишига олиб келади.

Эски стоматологик рентген аппаратларида анод кучланиши 50 кВ бўлган анъанавий трубкалар ишлатилади. Торакал тасвир учун эса юқорироқ кучланиш — 70-120 кВ қўлланилади. Маълумки, паст анод кучланиши юмшоқроқ рентген нурланишининг шаклланишига даражаси ўпкани умумий рентгенга тушириш чоғидагидан кўпроқ бўлади.

Рентген сурати 8-10 дақиқадан аввал тайёр бўлиши мумкин эмас. Бу гап фақатгина рентген суратларга қўлда ва анъанавий тарзда ишлов бериладиган хоналарга тааллуқли. Аслида лаборант суратни бузиб қўйишдан хавотирланиб, нурланиш миқдори яққол кучайтирилган шароитда тасвирга олади. Тасвир керакли даражада кўринганида сурат чиқариш жараёнини тўхтатиш мумкин бўлади.

Бундай ёндашув ишлов бериш вақтини 30-60 сониягача камайтириши мумкин. Аммо бунда плёнка ишлаб чиқарувчи корхонанинг сурат чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш талабига амал қилинмайди. Стандарт реактивлар ёрдамида суратга 4-6 дақиқа давомида ишлов берилади. Акс ҳолда плёнка хоссаларининг тўлиқ намоён бўлиши кафолатланмайди. Таъкидлаш жоизки, бу тарзда кўпроқ нур бериб, сурат чиқариш вақтини қисқартириш сифатли натижа бермайди.

Технология қоидаларини бузмай туриб ҳам сурат чиқаришни тезлаштириш мумкин. 30 сония ичида бунга эришса бўлади. Бунинг учун KODAK савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган тез таъсир этувчи кимёвий реактивлардан фойдаланиш кифоя.

Оғиз бўшлиғида фойдаланиладиган замонавий стоматологик плёнкалар рентген нурига кучли сезувчанлик хусусиятига эга бўлганлиги сабабли юксак даражадаги хавфсизликни таъминлайди. Бунинг учун экспозиция ва ишлов бериш технологияси қоидаларига тўлиқ риоя қилиш талаб этилади.

Плёнка хусусиятлари унга ишлаб чиқарувчи корхона тавсия этган кимёвий реактивлар билан ишлов берилгандагина кафолатланади. Бундан ташқари, сурат чиқарувчи машинада, қўлда ва стоматология хоналари шароитида тезкор ишлов бериш учун ҳар хил кимёвий реактивлардан фойдаланилади.

Айтайлик, сиз рентген хонасига кирдингиз. Аппарат рўпарасига ўтирдингиз ва сизга қора қоғозга ўралган рентген плёнкасини беришди. Бу хонага киришдан аввал эса лаборантнинг жуда чаққон ишлаётганига, рентген суратларни бор-йўғи 2-3 дақиқада тайёрлаб бераётганига аҳамият бердингиз.

Тишингизни суратга туширишдан аввал қора қоғозга ўралган плёнкани ёруғликда очиб кўрсатишларини сўранг. Лаборантнинг қандай реактивлардан фойдаланаётгани билан қизиқинг. Агар у бундан бош тортса, сизнинг рентгенга тушмаслигингиз ва, балки бу стоматология шифохонасида даволанмаслигингиз учун асосларингиз етарли бўлади.

Бу билан Сиз соғлиғингизни муҳофаза қилган бўласиз.

**А. ПРЕДТЕЧЕНСКИЙ, техника фанлари номзоди.**

*KODAK/Dental Systems маҳсулотлари ҳақида тўлиқ маълумотни шу йил 1-3 март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Dental Salon Uzbekistan кўргазмасида олишингиз мумкин.*

*KODAK/Dental Systems маҳсулотларини харид қилиш масаласи бўйича "BIOSTOM" хусусий фирмасига мурожаат қилишингиз мумкин:* ***700043, Тошкент ш., Халқлар дўстлиги кўчаси, 10-уй (метронинг "Ҳамза" бекати).***

***Тел.: (+998 97) 111-444-8, (+998 71) 173-91-00, (+998 712) 77-13-77. Факс: (+998 71) 173-91-00.***

### Огоҳлик

***Болани ўсиб келаётган нозик ниҳолга қиёслашади. Ниҳолни эса қайси томонга эгсангиз, шу томонга қараб букилади. Лекин аслида ҳамма гап ўша ниҳолни эгаётган кучга ҳам боғлиқ. Уни оддийгина шамол эгадими ёки даҳшатли бўронми, шабада эгадими ёки довулми? Баъзан эса асраб-авайлаб парвариш қилаётган ниҳолингизни эчкими, бузоқми ғажиб кетиши ҳам мумкин. Унда мурғак ниҳол чалажон бўлиб қолади. Бундай ниҳолнинг қад ростлаши анча қийин кечади.***

# БОЛА КЎЗИДАГИ ҚЎРҚУВ

*пайдо бўлишига катталар сабабчи эмасми?*

Бола тарбиясини ниҳолни вояга етиш палласига қиёслайдиган бўлсак, тарбия иши қанчалар мураккаб ва машаққатли фаолият эканлиги ўз-ўзидан ойдинлашади. Шундай экан, ниҳолни шамолдан, бўрондан, ҳайвондан, қишнинг изғиринидан асрагандек, болани ҳам биринчи галда қўрқувдан, қўрқоқ қилиб тарбиялашдан, қўрқитиш муҳитидан жуда-жуда эҳтиёт қилишимиз керак. Алломалардан бири: «Қўрқув — иллатлар макони», деб бежиз айтмаган. Қўрқишга мойил вужуд ёки характер эгаси, ҳақиқатан ҳам, иллатларга тез берилувчан бўлади. Ўзини ўзи ҳар қандай ҳолатда бошқаролмайди, чунки мустақил фикрга эга эмас. Юрагига қўрқув уя солган бола биринчи галда ўзини ҳимоя қилишни ўйлайди. Ўйлайди-ю, ёлғончилик, такаббурлик ёки ҳар нарсадан ҳадиксираш, қийинчиликлар олдида иккиланиш сингари салбий ҳолатларга берилувчан бўлиб қолади. Давраларда, ўзаро суҳбатларда қўрқинчли воқеаларни эшитса, ўз-ўзидан вужудига титроқ киради. Баъзи болалар эса қўрқув олдида йиғлоқилик касалига йўлиқади ва бу иллатлар катта бўлганларида ҳам уларни тарк этмайди.

Чунки биз бола эс-ҳушини йиға бошлагандан қўрқитишга ўтамиз. Масалан, «Ана, бўжи келди, ол, бўжи, бу болани еб кетгин», деймиз. Бу қўрқинчли гаплардан боланинг беғубор кўзлари катта-катта бўлиб, тўрт томонга аланглай бошлайди. Сўнг ўзи йўқ бўжидан қўрқиб, жон ҳолатда сиз томонга талпинади ва жим бўлиб қолади. Биз эса боланинг йиғидан тўхтаганидан хурсанд бўламиз. Шу билан унинг жажжи юрагига қўрқув уруғини қадаганимизни билмаймиз. Бола улғайган сари унинг вужудини қўрқув батамом эгаллайди ва бу ҳодиса туфайли қўрқув микроблари билан тўлиб-тошиб бораверади.

Хуллас, болани дастлаб дўқ билан, бақириш билан, турли ёмон қиёфаларга кириш билан қўрқитамиз. Сўнг шапалоқ, қайиш, хивчин билан қўрқитиш усулига ўтамиз. Аста-секин даҳшатли эртаклар, ҳайвонлар, маст-аласт одамлар образлари орқали юрагига қўрқув соламиз. Айримлар ялмоғиз кампир, тўрвали чол, лўли, врач ва ҳатто милиционер билан қўрқитадилар. Айниқса, бола тиш дўхтирига борса, оғзини юмиб, қўрқувдан қотиб қолади. Калтак, камар, бурчакда туриш, стул кўтариш каби тарбиянинг жазо усуллари замирида ҳам қўрқув ётибди.

Эҳтимол, тарбияда шўх ва ёмон болалар учун жазо усули керакдир. Лекин у ҳам меъёрида бўлгани яхши. Жазо қўрқувга асосланмаслиги лозим. Агар бола ҳадеб қўрқаверса, қўрқитилаверса, бу унинг руҳига, жисмоний ҳолатига ва умуман вужудига жуда ёмон таъсир қилади. Мутаҳассисларнинг аниқлашларича, ит ёки мушукдан қўрққан болаларнинг тушларига ҳам айнан шу ҳайвонлар кирар экан. Қўрқинчли тушлар туфайли бола йиғлоқи, инжиқ, салгина қоронғудан ҳам ҳадиксирайдиган бўлиб қоларкан. Қўрқинчли эртаклар ёки мультфильмлар ҳам бола онгини қўрқув занжирлари билан ўрашга хизмат қилади.

Қўрқитишнинг юқорида синалган антиқа усуллари бола учун кўплик қилмасмикин? Қўрқув исканжасида ўсиб, қўрқитиш туфайли вояга етган йигит ёки қиздан қандай қилиб ботир бўлишни талаб қиламиз? Қўрқоқ одамнинг ботирга айланганини қачон эшитганмиз?

Яна бир ташвишли муаммо: сўнгги йилларда эндигина вояга етаётган ўсмир болаларни турли диний оқимлар, мазҳаблар билан қўрқитиш ҳолларининг пайдо бўлаётгани жуда ташвишлидир. Айтишларича, ҳақиқий ислом динидан йироқ ва унга мутлақо алоқаси бўлмаган турли оқимларга кўр-кўрона берилиб кетган айрим жаҳолатпараст кимсалар, аввало, ўзининг, қолаверса, қўни-қўшнисининг болаларини, ўсмирларни дўзах билан қўрқитаётганлиги ҳақидаги гап-сўзлар кишини ларзага солаётир. Бундай дўзах даҳшатларидан фақат мурғак болалар эмас, балки катталар ҳам қўрқади-ку! «Агар бизнинг кўрсатмаларга амал қилмасанг, ўзингни жиҳодга тайёрламасанг, сен ҳам нариги дунёда ана шундай дўзах азобларига дучор бўласан!», деб диний ақидалар орқали қўрқитиш йўли билан онги, қалби заҳарланаётган бола келажакда ким бўлади?!

Масалан, ўтган йили сентябрь ойида Россиянинг Беслан шаҳрида рўй берган даҳшатли фожиаларни эслайлик. Террорчи гуруҳлар томонидан амалга оширилган бу қонли воқеалардан нафақат болалар, балки катталар ҳам қўрқув ва даҳшат исканжасида қолдилар. Болалар кўзидаги қўрқувдан инсоният ларзага тушди. Диний экстремизм, терроризм қандай қонли оқибатларга, қандай даҳшатли балоларга олиб келишини яна бир бор намоён этди.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида жумладан, шундай дейди: «...биринчи навбатда ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан терроочилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хом хаёлларни амалга оширишга уринаётган қабиҳ кучларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак».

Ҳақиқатан ҳам, шундай. Одамларни, айниқса, ёшларни, болаларни йўлдан ураётган, адаштираётган, уларнинг мурғак қалбига қўрқув ҳақиқатини солиб, турли жиноят кўчаларига бошлаётган ақидапарастларга, ёвуз ниятли кимсаларга шафқат бўлмаслиги керак. Зотан, қўрқитишни, ёвузликни, жаҳолатпарастликни муқаддас ислом динимиз ҳам қоралайди.

Келинг, жондан азиз фарзандларимизни қўрқувдан асрайлик, уларни тарбиялашда қўрқитишнинг ҳар қандай усулларидан, йўлларидан воз кечайлик. Қўрқитиш тарбия эмас. Қўрқоқ бола бир кун келиб ўзимизни ёки қўрқувга солиши мумкин. Унда кеч бўлади!

**Ашурали ЖЎРАЕВ.**

## Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним таваллудига 90 йил тўлди

*Гулдурос чақмоқ қоронғу тунни ярақлатиб ёритгани каби, тарихимизнинг энг саодатли онида Юртбошимиз мамлакатимизни Мустақил деб эълон қилганларидан буён Истиқлол ҳақида жуда кўп бадиий асарлар яратилди. Уларнинг орасида Зулфияхоним ўзининг саксон ёшида яратган «Хотирам синиқлари» достони бетакрор, бетимсолдир.*



# Умр шомидаги қутлуғ тонг

*Ҳуррият, келдингми,*
*наҳотки, келдинг....*

Достоннинг илк сатридан бошлаб Зулфияхоним бир умрлик ростгўйлиги, қайсидир вазиятларда ўзини жабрланган қилиб кўрсатиб, обрў олиш илинжидан йироқлигига содиқ қолади.

Қарийб бир аср давомида неча авлоднинг эрк, истиқлолга интилган вакиллари жувонмарг қилинганига қайта-қайта шоҳидлик шоира қалбини шу қадар зада, чалажон, зор-интизор этганки, у рўпарасида бор бўйи билан турган ҳақиқат қаршисида тили билан эмас, дили билан сўзлаётгандек:

*Ҳуррият, келдингми,*
*наҳотки, келдинг...*
*Пинҳона соғиндим,*
*пинҳона кутдим.*
*Ёмғирга бағрини*
*тутган саҳродек*
*Сенинг насимингга*
*қалбимни тутдим.*

Достондаги «Тангрининг айри илхос билан яратган» она образи «Қароғида меҳр шамлари ёниқ, Гуллаган ўрикдай ораста, Сўфи Оллоёру Девона Машраблар баёзларини ўпиб қўлга олган, фарзандлари дилига «Мумтозлар назмини сочган» оқила, олима, сабр-бардошда тоғлардан вазмин момоларимиз тимсоли.

... Шу ўринда юрагимга неча ўн йиллардан буён тиғдай ботадиган бир фикрни айтмоқчиман: «Ёв қочганда, ботир кўпаяр», — деганларидек, мустақилликка эришганимиздан сўнг тарихни таҳлил қилувчилар орасида «Қатағон йилларида фалончи фалончини ҳимоялаши мумкин эди, лекин бундай қилмаган», — деб ёзганлар, гапириб юрганлар бор.

Ўтган асрнинг 37-йиллар қатағонлари пайтида Зулфия опанинг бир акалари ҳам ҳибсга олиниб, отилган. Бу ҳақда сўзлаб: «Акам қамалгач, биз — содда одамлар унга кўрпа элтиб бермоқчи бўлибмиз. Тошкентдаги барча қамоқхоналарни излаб, суриштириб чиқдик, акамни узоқ дараклаб тополмадик. Кейин маълум бўлдики, ўша — биз сўраб-суриштириб юрганимизда, акамни аллақачон отиб ташлашган экан», — дегандилар.

*Онам қўлларида*
*муштдай тугунчак,*
*Тош шаҳарни кезар*
*авахта излаб.*
*Авахта нечадир,*
*зор она неча,*
*Нечалар яшади*
*замонни «сиз»лаб.*
*... Куни бўйи кезиб,*
*букчайиб, толиб*
*Кекса бағрин*
*ерга бериб ётарди.*

Ҳар бир онгли, ақлли инсоннинг бошига кулфат, ўлим соя ташлаб турган ўша замонда ўз жону жигарининг-да хабарини тополмай, ғам-мотамга ботганларнинг аҳволини тушунмоқ уларга эллик йиллардан кейин баҳо бермоқ мураккаброқ жараёндир... аммо ким ҳақида гапираётганимизни, хулоса чиқараётганимизни, бунга нечоғли маънавий ҳақдорлигимизни яхшилаб мушоҳада қилмоғимиз шарт!

Шўро тузуми миллатимизнинг ўтмишини камситишдан токи олим, фозил, арбобларигача қўрқиб яшашлари учун зулм машинасига байроқ ўрнатиб, халқни ўзининг энг азиз фарзандлари азасида порлоқ келажак ҳақида оташин нутқлар сўзлашга мажбур қилдилар.

*Алам. Ёмон алам кўзинг*
*кўр бўлса,*
*Лекин сўқир диллик*
*ундан-да даҳшат.*
*Халқ ганжин*
*юлмоққа чўзилган қўлга*
*Биз алвон гулдаста*
*тутибмиз фақат.*
*«Ватанпарвар»*
*дебмиз ўз-ўзимизни,*
*Денгизлар қурибди,*
*чирибди балиқ.*
*«Инсонсан, бошингни*
*кўтар», — демабди,*
*Қўнглинг қолганмиди*
*бизлардан, Холиқ?*

Достоннинг учдан икки қисмини ташкил қилган хотиралар баёни на ўз-ўзини оқлаш ва ўз-ўзидан нолиш... балким яратиш, чин маънода инсоний бахтга эга бўлиш, халқу Ватан иқболига ҳаётбахш нур каби сингиши мумкин бўлган умрнинг маккор тузумга қурбон этилганидан қалб оламини тўлдирган алам, изтироб — хотира синиқлари.

Ўзининг қора кунлари, соврилган умри учун афсуснадоматдан ҳам кўпроқ «Иймону ишончи бутун, беиллат, Илму, ҳикматларга ёр миллат»нинг кўргуликлари — шоирнинг изтироблари. Достон якунига қараб бораркан, лирик «мен» бу дунёдаги сўнгги ибодат чоғида «Умримни нималарга сарфладиму у дунёга нималар олиб кетяпман?» — деб ўзини сарҳисоб қилади:

*Қай бири вазминроқ,*
*савобми, гуноҳ?*
*Яшадим-ку риё,*
*ҳаромдан нари.*
*Куйганман.*
*Бош-оёқ куюк жонимнинг*
*Нимасин ёқарди*
*дўзах ўтлари?*

Умрларининг сўнгги йилларидан ўктам бир садо бўлган бу достонда ҳам тақдирнинг кўзига тик, очиқ юз билан қарайди, тилу дил бирлигига садоқати яраклаб кўриниб туради:

*Ёшим кетиб-кетиб*
*тордай тарангман,*
*Капалак шарпаси*
*тегса, узилар.*
*Чидай-чидай юпқа*
*тортган парангман,*
*Чўян бўлса ҳам дил —*
*қулфи бузилар.*

Тақдиримда қарийб йигирма йил мобайнида Зулфияхоним билан гоҳ каттаю кичик давраларда, гоҳида ўзлари билан ёлғиз қолиб суҳбатларини олмоқ, ўрганмоқ, бахраманд бўлмоқ толеи бор экан, беадад шукр. Эгниларида ҳамиша одмию сипо либос, ҳамиша ўйчан, теран боқувчи кўзларида на элга машҳур шоирлигидан, на арбоблигидан кибр, эътибор талаблик кўрмаганман. Давраларга, одамларга қараб ўзгармасдилар.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров бир суҳбатда жуда гўзал ташбеҳ қилиб, «Ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётда Зулфияхоним орбитаси пайдо бўлди», — дегандилар. Ҳа, бу орбита ўзининг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний гўзалликлари билан жозиб эди. Бадиий ижоддаги нозик дид, илми, ҳижрон сатрлари, аёл — онанинг ўктам овози билан Шарқ адабиётининг таниқли намояндаси, қаерда бўлмасин, ўзбек миллати — ўз аёли номидан гапирмоқ шарафи, масъулиятини покиза тутган шахс эди. Бу орбита атрофида кимлар, нима илинжларда айланган бўлишлари мумкин.... Лекин Зулфияхоним йигирма тўққиз ёшида зиммасига тушган икки фарзандга ҳам оналик, ҳам оталик бурчини-да бегард адо этди. Табиатида шаъни, орномусига заррача ғубор тушириш мумкин бўлган ҳар қандай манфаатни сўзсиз рад этгувчи устуворлик, мардлик бор эдики, худди шу фазилатлари боис миллатнинг, адабиётнинг вакили сифатида катта минбарларга кўтарилишга ҳақли, муносиб эди.

Зулфияхоним қарийб ярим аср мобайнида адабиётимизга кириб келган ҳар қандай умидбахш қалам соҳибини, айниқса, аёл ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

... Устоз таваллудининг 90 йиллиги яқинлашгани сайин бундан ўн йил муқаддам 80 ёшлари муносабати билан бўлиб ўтган тантаналарни эслайвердим, юрагим тўлқинланаверди. Дунё кезган, жаҳоннинг катта минбарларидан шеърлари жаранглаган, Шарқ адабиёти юлдузлари орасида ўрни, мавқеи бўлган Зулфияхоним ўша кунларда тақдирдан шунчалар миннатдор, бахтиёр эдиларки! Наздимда, ҳаётлари давомида кўрган-кечирган эҳтиром, байрамларининг энг улуғи, азизи мана шу эди. Айниқса, Юртбошимизнинг махсус табрикномада Зулфияхонимни ўзбек адабиётининг Увайсий, Нодира, Зебуннисо каби юлдузлари қаторига қўйиб эъзозлашлари ХХ асрнинг чин маънодаги Шаҳси бўлган Зулфияхонимни севган, қадрлаган, шундай шоираси билан фахрланган инсонлар учун ҳам икки карра байрам бўлганди. Чунки бу — Зулфияхоним шахси борасида адабиёт ва тарихга оид яна бир ҳақиқатнинг тантанали эълон қилиниши эди.

*Руҳим у ёқларга*
*қуш бўлиб учар...*

деб шоира «Хотирам синиқлари» достонига хотима ясайди.

Миллатининг, авлодининг Ҳурриятга эга бўлганини кўриб, бу бетимсол бахтдан ўзи ҳам бахраманд бўлиб Зулфияхонимнинг «Руҳи у ёқларга қуш бўлиб учгани» рост бўлсин.

**Муҳтарама УЛУҒ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.**


«ХАЛҚ БАНКИ»

мижозларга замонавий банк хизмати турларини жорий этган ҳолда «Ишонч» ва «Барака» сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади.



Мазкур пластик карточкалар орқали — савдо муассасалари, ёнилғи қуйиш шохобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқларда товарлар ва кўрсатилган хизматларга нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш ҳамда исталган вақтда нақд пул олишингиз мумкин.

Пластик карточка соҳиби ўз маблағлари дахлсизлигини ошириш билан бир қаторда белгиланган фоиз даромадларини олиш имкониятига эгадир.

«Ишонч» ва «Барака» пластик карточкаларига «Халқ банки»нинг барча туман (шаҳар) филиалларида эга бўлишингиз мумкин.

«Халқ банки»нинг пластик карточкалари — бу сизнинг кафолатланган ҳамёнингиздир!



Харакат плюс

Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сув иситувчи қозонлар ишлаб чиқаради ва сотади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., Кангли к., 16-«А» уй.
Телефонлар: 8 (371-71) 54-791, 54-062, 8 (371) 100-99-05.
e-mail: harakat_2004@mail.ru

Кафолат 2 йил.

Маҳсулот сертификатланган.



«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ

«O`ZTEMIRYO`LYO`LOVCHI» ОАЖ

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР БИЛАН ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙЛАБ ТАШИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА.



ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШИШ ЙИЛЛИК ВА БИР МАРТАЛИК ТЕМИР ЙЎЛ ЧИПТАЛАРИ БЎЙИЧА ЙЎЛОВЧИ ВА ШАҲАР АТРОФИГА ҚАТНОВЧИ ПОЕЗДЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ХОҲИШИГА КЎРА, ТЕМИР ЙЎЛ ЧИПТАЛАРИ БИРОР КИШИГА ЁКИ ТАЛАБ ҚИЛУВЧИ НОМИГА ЁЗИБ БЕРИЛИШИ МУМКИН.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 700060, Тошкент шаҳри, Й.Охунбобоев кўчаси, 34-уй. Телефон: 138-82-20.

Хизматлар лицензияланган.


## Спорт

# Қосимжонов кучли учликда

Испаниянинг Линарес шаҳрида шахмат бўйича йилнинг нуфузли супертурнири қизғин давом этаяпти.

Супертурнирнинг биринчи ўйинини ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов испаниялик Франсиско Вальехога қарши ўтказиб, дуранг натижага эришгани ҳақида аввал хабар берган эдик. Иккинчи учрашувда Рустам жаҳон рейтингида биринчи ўринни эгаллаб турган Гарри Каспаровга қарши дона сурди. Каспаров оқ доналарда ўйнашига қарамай, Қосимжонов унга муносиб қаршилик кўрсатди ва бу ўйинда ҳам дуранг натижа қайд этилди. Шунингдек, Қосимжонов Майкл Адамс, Вишванатан Ананд ва Веселин Топаловлар билан ҳам дуранг ўйнади.

Ҳозирча мусобақада Гарри Каспаров тўрт ўйиндан 3 очко жамғариб пешқадамлик қилмоқда. Вишванатан Ананд (тўрт ўйин) ва Рустам Қосимжонов бир хил 2,5 (беш ўйин) очко билан иккинчи, учинчи ўринларда боришмоқда. Петер Леко, Веселин Топалов (тўрт ўйин) ва Майкл Адамс (беш ўйин)лар ҳисобида 2 тадан очко бор. Сўнгги ўринда бораётган испаниялик Франсиско Вальехо (тўрт ўйин) 1 очко жамғарган. Рустам Қосимжонов навбатдаги ўйинни кеча венгриялик Петер Лекога қарши ўтказди.

Супертурнир 10 мартгача давом этади.

# Медаллар шодаси

*Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида таэквондонинг ИТФ йўналиши бўйича якунланган халқаро турнирда ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди.*

Унда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистондан беш юз нафарга яқин спортчи иштирок этишди. Турнирда вакилларимиз 15 та олтин, 14 та кумуш ва 20 та бронза медаллари билан умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни қўлга киритишди. Жамоа муваффақиятига С. Содиқов, Д. Рафиқов, С. Холбўтаев, У. Бўстонов, А. Суюнбоев, Ш. Давирова, Г. Айитбоева, Г. Мансурова ва М. Маҳмудовалар муносиб ҳисса қўшдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

# Ёшлар марафони

*«Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида ёшлар, ўсмирлар, ўқувчилар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш Фарғона вилоятида ҳам қизғин бошлаб юборилди.*

Ёшлар марафонига халқимизнинг қадимий удумлари асосида карнай-сурнайлар билан старт берилди. Ёш чопағонларни Фарғона шаҳрининг шоҳ кўчаларида юзлаб ота-оналар қўллаб-қувватлаб, илҳомлантириб турдилар. Бўлиб ўтган спорт мусобақасида 11-ўрта мактабнинг ёш атлетикачилари олдига тушадиганлар бўлмади. Ўсмирлар ўртасида синфдошлар Бобир Сайдалиев, Фарҳод Тўрабековларга тенг келадиганлар топилмаган бўлса, қизлар баҳсида ҳам шу мусобақанинг юқори синф ўқувчи қизлари Мафтуна Олимова ва Динара Юсуповалар бирин-кетин маррага етиб келишди.

Ғолиб марафончиларга шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш республика жамғармаси вилоят бўлимлари томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари топширилди.

Бундай оммавий тадбирларни вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Юртимизда кенг сурътда ривожланиб бораётган каратэ, ёшларимизнинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан етук инсонлар бўлиб вояга етишларида муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда 70 минг нафардан ортиқ бола каратэ билан мунтазам шуғулланишади.***

# Терма жамоага муносиб номзодлар

25-27 февраль кунлари "Жар" спорт мажмуасида каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида бешинчи Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Каратэ миллий федерацияси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 1200 нафардан зиёд умидли ёшлар татамида ўз кучларини синовдан ўтказдилар.

Чемпионатнинг тантанали очилиш маросимида мамлакатимизда каратэ спортининг ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ жонкуярларга "Каратэ фидойиси" фахрий медали ва эсдалик совғалари топширилди.

—Ўзбекистонлик ёш каратэчилар Осиё ва жаҳон чемпионатларида муносиб иштирок этмоқдалар,—дейди каратэ миллий федерацияси президенти, "қора белбоғ" 6-дан соҳиби Нурхон Нафасов.— Чемпионат ғолиблари орасидан халқаро майдонларда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган терма жамоага номзодлар саралаб олинади.

Уч кун давом этган беллашувлар якунига кўра, Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Андижон, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари вакиллари асосий совринли ўринларни банд этишди. Шунингдек, чемпионатда "Билол", "Ўзкаратэ", "Алпомиш", "Ёш куч" клублари ҳам фаол қатнашдилар.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**СУРАТДА:**
**мусобақадан лавҳа.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**


Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига! Товар сертификатланган

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

«ГАЗ-31105»

«ИЖ-2717»,

«ВАЗ-2106»

«ГАЗЕЛЬ»

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.



«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компаниясига қарашли «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси

1/04-сонли тендернинг натижаларини эълон қилади.

1/04-сонли тендер ғолиблари қуйидагилар:

*1-лот — ЗАО ВПК «Челпром» компанияси (Россия);*
*2-лот — «Ortex Investments Ltd» компанияси (Россия).*

Манзилимиз:
700031, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб к., 31-а уй.
Телефонлар: 139-18-20, 139-14-26. Факс: 139-89-45.
Uptoikuztg@mail.ru ва uptoikuztg@hotbox.ru



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


«Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» ва «Экономический вестник Узбекистана» журналлари таҳририяти жамоаси собиқ масъул ходим Р. Л. Валиевга падари бузруквори

**Лутфулла ВАЛИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги жамоаси агентлик ходими Камолжон Қосимовга волидаи муҳтарамаси

**Ҳалима ая ҚОСИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги Тошкент минтақавий Бюро жамоаси Бюронинг масъул ходими Одилжон Хашимовга волидаи муҳтарамаси

**Хидоятхон ая ХАШИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси Мусиқий фанлар кафедраси доценти Дилшода Исомуҳаммедовага акаси

**Бахтиёр ИСОМУҲАММЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 261. 32634 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Этамқулов.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.35 2345